

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 10-сон



10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

**ЧАРЛЬЗ ДИККЕНСНИНГ "ОЛИВЕР ТВИСТ" РОМАНИДА ЕТИМ БОЛАЛАР
ХАЁТИНИНГ РЕАЛИСТИК БАДИЙ ТАСВИРИ**

Сафарова Зилола Толивонна, ўқитувчи

Бухоро давлат университети

Аннотация: Мазкур мақолада Чарльз Диккенснинг "Оливер Твист" романидаги етим болалар турмуш тарзининг реалистик бадиий тасвири борасида фикр юритилади. Адибнинг ўзига хос услуби, ҳамда бошқа етимлек асарлари билан ўхшаши омиллар – мавзу, гоя, қаҳрамон, айниқса, етим образларидаги ўхшаши қирралар таҳлилга тортилади.

Калит сўзлар: Чарльз Диккенс, етим, етимлек, реалист, мавзу, гоя, қаҳрамон, инсон, жамият, роман.

**РЕАЛИСТИЧЕСКИЙ ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ ДЕТЕЙ-СИРОТ В
РОМАНЕ ЧАРЛЬЗА ДИККЕНСА "ОЛИВЕР ТВИСТ"**

Сафарова Зилола Толивонна, преподаватель

Бухарский государственный университет

Аннотация: Данная статья посвящена реалистичному художественному изображению жизни сирот в романе Чарльза Диккенса «Оливер Твист». Анализируется неповторимый стиль автора, а также факторы схожести с другими произведениями о сиротах – предмет, идея, главный герой, особенно сходства в образах сирот.

Ключевые слова: Чарльз Диккенс, сирота, сиродства, реалист, тема, идея, характер, человек, общество, роман.

**A REALISTIC ARTISTIC IMAGE OF THE LIFE OF ORPHAN CHILDREN IN THE NOVEL
BY CHARLES DICKENS "OLIVER TWIST"**

Safarova Zilola Tolibovna, teacher

Bukhara State University

Annotation: This article discusses the realistic artistic depiction of the lifestyle of orphans in Charles Dickens' novel "Oliver Twist". It provides the analysis of author's unique style, as well as similar factors with other works about orphans - the subject, the idea, the protagonist, especially the similarities in the orphan's images.

Key words: Charles Dickens, orphan, orphanhood, realist, theme, idea, character, human, society, novel.

Машхур адабий танқидчи В.Г. Белинский таъкидлаганидек, ҳар бир даврниш ўз гояси ва шунга мос ифодавий шакли мавжуд бўлади, яни ҳар бир давр ўз мазмун ва шакл бирлигига эга [1]. Дастрраб халқ оғзаки ижодига тегишли эртаклар шаклида тараққий этган болалар адабиётида ҳам, кейинчалик капиталистик муносабатлар ривожланиб, ёзма адабиёт кучайиб борган сари реалистик услуб белгилари пайдо бўла



бошлади. Қиролича Виктория ҳукмронлиги даври адабиёти “Виктория асри” номи билан машхур бўлиб, у Англия романчилигининг булоқ даври сифатида тилга олинади. Чунки, аксарият асарлар кучли сюжетта эта, қаҳрамонларга бой, ҳажми анча кенг реалистик руҳда ёзилган романлардир. Бундай ижод намуналари ижтимоий-сиёсий ҳаётни борича тасвираш ҳамда жамиятнинг ўрта қатламига мансуб китобхонлар қалбидан ўрин эталлаш учун жуда қулай эди.

Инглиз танқидий реализмининг йирик намоёндаларидан бири Чарльз Диккенс қаҳрамони айнан болалар бўлган, мавзуси уларнинг хаёлоти ва орзу-умидлари асосига қурилган асарлари билан болалар адабиёти романчилиги таракқиётida кескин бурилиш ясади. Бу ўринда унинг “Девид Коперфильд”, “Катта умидлар”, “Оливер Твист” каби романларини айтиб ўтиш жоиз. Адабиётшунос олим Б. Ҳофман Диккенс ижодини таърифлар экан, ушбу жумлани келтиради: “Orphans and orphanhood is everywhere in Dickens. Oliver Twist, Little Nell, David Copperfield, Ether Summerson, Amy Dorrit, Pip and a host of other Dickens characters are all orphaned and their plight as orphans is a powerful emphasis in the novels that depict them” [2].

Ҳофманнинг бу фикридан кўриниб турибдики, Диккенс етим бола образини яратишга бир неча бор кўл урган ва аксарият ҳолларда унинг бу уринишлари муваффақиятли якунланган. Зоро, Оливер Твист, Кичкина Нелл, Девид Коперфильд, Эстер Саммерсон, Эми Доррит, Пип ва бошқа Диккенснинг қаҳрамонлари барчаси етим болалар бўлиб ва адаби бу қаҳрамонларнинг етимлиқдаги мусибатлари ҳамда орзу-ўйлари тасвирига асарларда алоҳида эътибор қаратган. Шуни таъкидлаш жоизки, Чарльз Диккенс, асосан, Лондон кўчаларида тез-тез учратиш мумкин бўлган товламачилик, юлничлик, ўтрилиқ, айёрлик ва фирибгарлик каби иллатлар орқали зўравонларнинг ожизлар устидан, айниқса, қаровсиз, уйсиз, етим болалар устидан ҳукм ўтқазишга интилишларини, адолатсизлик ва тентизликтининг оқибатларини, қашшоқ ҳалқнинг оғир мусибатларини, бир сўз билан айтганда, ўша даврдаги реал ҳолатни ўзида чуқур бадиий акс эттирган асарлари орқали ёритиб бериши максад қилган ижодкордир. Ушбу мақола Диккенснинг “Оливер Твист” романида етим болалар турмуш тарзининг реалистик бадиий тасвирини таҳлии қилишга багишлиланади. Бошқа асарлари учун танланган қаҳрамонлардан фарқли ўлароқ, Оливер образи орқали адаби анча кимик ёшдаги бола ва унинг изтироблари, ўй-хаёллари, ҳамда орзу-умидларини ёритишга ҳаракат қилиган.

“Оливер Твист”(1837) ёзувчининг 25 ёшида ёзган иккинчи романи бўлиб, унга муваффақият олиб келган шов-шувли асар бўлди. Бу асар ҳакида Диккенснинг ўзи шундай деган эди: “Назаримда, жиноий тўданинг ҳақиқий аъзоларини тасвираш, уларни барча хунуклеклари, жирканчилеклари билан ифодалаш, уларнинг тубан, қашшоқ ҳаётини аслича кўрсатиш - доимий ҳийла-найранг қилишлари, хавотирга тўла энг ифлос йўллар бўйлаб юришлари, ва қаерга қарашмасин, ўзларини ҳамиша қўрқинчли дор таъқибида кўришлари - булатнинг барини тасвираш – менимча, бажарилиши зарур бўлган ва жамият учун хизмат қиласиган нарсани англатади. Ва мен буни бор кучим билан қилдим”. Ҳақиқатдан ҳам, адаби Лондон кўчалари ахволини, кўча дайдилари ва товламачиларининг кўринишларини шундай бир мохирилик билан тасвираганки, китобхон гўё уларни ўз кўзи билан кўргандек бўлади. Масалан, ўтри тўда аъзоси Ненсининг қуйидаги сўзлари фикримизнинг тасдиғи бўла олади: “It is my living;



and the cold, wet, dirty streets are my home; and you are the wretch that drove me to them long ago, and that will keep me there day and night, day and night, till I die! [3,172]"

Асар воқеалари марказида Лондон "Workhouse" (Мехнат уй)ларидан бирида дунёга келган етим бола Оливер Твист образи туради. Ўша даврда Лондонда бундай "Мехнат уй"ларини кўпилаб учратиш мумкин эди. Камбағал кишилар, ота-онасиз болалар, эридан ажрашган аёллар, яқинини йўқотган қариялар, бир сўз билан айтганда, ожиз ва чорасиз кишилар билан лиқ тўлган бу масканларда аҳвол аянчли эди. Уларга ажратилиган тъминот жуда оз, у ерда истиқомат қиуучилар мунтазам очликда кун кечирав, болалар 4-5 ёшидан бошлаб ишлашга маҳкум қилинар, уларнинг кўтчилиги, айниқса, Оливер сингари етим қолган болалар қул қилиб сотиларди. Масалан, мўри тозалаш, кўмир конларида арава тортиш каби хавфли ва ифлос ишлар "Мехнат уй"лардан сотиб олинган ёшгина етим болалар зиммасига юклатилиган. Ҳеч қандай маошсиз, оғир шароитларда ишлашга мажбур қилинган ноҳор болалар аксарият ҳолларда қочиб кетишар, натижада улар совуқ ва очликдан нобуд бўлишар ёки Лондон кўчаларидағи жиноий ҳаётта қўшилиб кетишарди.

Асар муқаддимасида келтирилган муаллифнинг қуидаги фикрлари ҳам бу воқеаларнинг қанчалик реал ҳаётдан олинганилита яққол далиллар: "Once upon a time it was held to be a coarse and shocking circumstances, that some of the characters in these pages are chosen from the most criminal and degraded of London's population" [3,23].

Ижтимоий ҳаётнинг бундай иллатлари ёрқин мисоллар билан очиб берилишида Диккенснинг болалиқда кўрган - кечиргандари ҳам туртки бўлган. Чунки, отаси қарзга ботиб қамоққа тушганида, 12 ёшли Чарльз Диккенс оиласини тъминилаш мақсадида турли-туман юмушларни бажаришга мажбур бўлади. "Виктория асли" Лондон кўчаларидағи ўтрилик, товламачилик, порахўрлик, киссовурлик каби жиноий ҳаётнинг қийинчиларини ўз кўзи билан кўрган бўлажак ёзувчи болалиқ кечинмаларини қаламга олган, десак адашмаймиз. Айнан мана шу юкорида санаб ўтилган барча ҳолатлар билан асар қаҳрамони 9 ёшли Оливер Твист ҳам юзма-юз келганилгининг гувоҳи бўлиш мумкин. Инглиз адабиётшуноси Лаура Пигперс фикрича, "Виктория даври" ёзувчилари етим қаҳрамонлар образини яратишда бир қанча умумий муштараклик кўзга ташланади:

- ўтмиши сирли ташландиқ бола;
- жиноятта тортилган етим;
- саёҳатта чиққан одамлар билан алоқадорлик ва бошқалар.

Шу ўрияда таҳлилга тортилган "Оливер Твист" романидаги ҳам санаб ўтилган хусусиятларнинг белгилари мавжудлиги кузатилиади:

- а) никоҳсиз тутилган, отаси кимлиги номаълум, онаси фарзандини дунёга келтираётуб оламдан ўтган, ҳеч кими йўқ боланинг бош қаҳрамон сифатида танингани;
- б) қаҳрамоннинг хўрлик ва зулмларга чидомлай, шогирдликка берилган тўрковнинг уйидан қочиб кетиши, ҳамда кўчада оч-наҳор ёлини қолган боланинг жиноятчилар тўдаси кўлига тушиб қолиши.
- в) бош қаҳрамонга ёрдам қўлини чўзган, жиноятчилар орасидаги кўнгли очик образ (Оливернинг тирик қолишида ва ўтмиши билан боғлиқ жумбоқнинг ечилишида хисса кўшган ўтри қиз – Ненси);



"I won't stand by and see it done, Fagin," cried the girl. "You've got the boy, and what more would you have? Let him be—let him be, or I shall put that mark on some of you, that will bring me to the gallows before my time... [3,170]"

Ненсининг ушбу сўзлари унинг нақадар жасур ва бағрикент эканлитини исботгайди. Бир бегуноҳ гўдакни ҳимоя қилиш учун ўз ҳаётини хатарга кўйиб, тап торгмай тўдабошисига қарши чиқади.

г) қаҳрамон ўзининг фойдали инсон бўла олишини исботлашга уриниши;

Oliver, delighted to be of use, brought down the books under his arm in a great bustle, and waited, cap in hand, to hear what message he was to take [3,152].

Бу ерда муаллиф Оливер ниҳоят ўзига ишонч билдириганидан ғоят баҳтиёр бўлиб, мамнунлик билан кўрсатма беришларини муштоқ бўлиб кутаёттанини тасвиrlайди. Илгарилари одам ўрнида кўрилмаган, ҳамиша турткиланиб келган Оливернинг кувончдан тўлиб-тошаёттанини ҳис қилиш қийин эмас.

д) баҳтли якун (қаҳрамоннинг асар сўнгтида холаси билан топишиши ҳамда бойликка эришиши) ва бошқалар.

Mr. Brownlow adopted Oliver as his own son, and removing with him and the old housekeeper to within a mile of the parsonage house, where his dear friends resided, gratified the only remaining wish of Oliver's warm and earnest heart, and thus linked together a little society, whose condition approached as nearly to one of perfect happiness as can ever be known in this changing world [3,534].

Гувоҳи бўлганимиздек, ўша даврда болалар учун яратилган кўпилаб асарлар сингари Оливер Твист ҳам ёвузликнинг енгилиши ва эзгуликнинг ёргуларка эришиши билан якунланади.

Дарҳакиқат, Оливер прототипи фақат биргина қаҳрамоннинг ҳаёти, қийинчиликлари, изтироблари эмас, балки минглаб ночор болаларнинг кечинмаларини ҳаётий фожеа сифатида акс эттирган образ эди. Оливернинг очлик ва ёлгизлик изтироблари муаллиф баёни орқали шундай тасвиrlанди:

"...Mrs. Mann gave him a thousand embraces, and, what Oliver wanted a great deal more, a piece of bread and butter, lest he should seem too hungry when he got to the workhouse.... [3, 37]."

Кўриниб турибдики, Диккенс содда, оддий сўзлар ёрдамида улкан муаммоларга, уларнинг қанчалик чукур илдиз отганилигига ишора килган. Оливер сингари тақдир хукмига ташлаб қўйилган қанчадан – қанча болаларнинг қорни тўйиб овқат емаслиги, улар учун бир бўлак нон нақадар азиз эканлиги содда бола тилидан айтилган биргина жумла воситасида ифодаланган. Очлик азоби устун келган ёш Оливер тақиқланган бўлишига қарамай, ўзида куч топиб қўшимча овқат сўрашга журъат қиласди:

....Child as he was, he was desperate with hunger and reckless with misery. He rose from the table, and advancing basin and spoon in hand, to the master, said, somewhat alarmed at his own temerity – "Please, sir, I want some more" [3,42].

Айтиш жоизки, бегуноҳ болакайниш бундай изтироблари инсон қалбини ларзага солиб, гам-алам гирдобига гарқ қила олганидек, баъзи ўринларда муаллиф томонидан қўлланилган енгил юморнинг содда қаҳрамон ўй-хаёллари орқали ифодаланиши беихтиёр юзимизда кулгу нишоналарини намоён қиласди. Мальумки, жамиятдаги жиiddий масалаларни очиб беришда юмористик ва фожиавий саҳналардан ўринили фойдаланиш улкан истебодни талааб қиласди. Оливернинг қанчалик пок ва самимий қалб



эгаси эканлигини муаллиф оддий усул билан, хеч қандай жимжимадор таърифларсиз кўрсатиб беради. Ўтилиқда гумон қилиниб, қўлга олинганида Жаноб Браунлоу унга ишониб уйига олиб келади. Сўнг атрофдагиларга Оливернинг ёмон бола эмаслигини исботлаш мақсадида, унга бир нечта қиммат китоб ва пул бериб, китоб сотувчининг дўконига бориб келишни айтади. Бу ўзини оқлаб олиши учун Оливерга берилган бир имкон, шу билан бирга, бир синов ҳам эди. Баҳтга қарши, фойдали иш қилиш илинжида хурсанд бўлиб кетаётган Оливерни йўлда ўтилар тўдаси яна тутиб олади ва бола ўзининг эзгу ниятини амалга ошира олмай қолади. Шунда Оливер яна ўтилар қўлида азият чекишини ўйлаб эмас, балки ўзига билдирилган ишончни оқлай олмаганини, Жаноб Браунлоунинг у ҳақида ногўти фикрда колиши мумкинлигини ўйлаб изтиробга тушади: "They belong to the old gentleman," said Oliver, wringing his hands, — "to the good kind old gentleman who took me into his house, and had me nursed when I was near dying of the fever. Oh, pray send them back; send him back the books and money. Keep me here all my life long ; but pray, pray send them back. He'll think I stole them;— the old lady, all of them what were so kind to me, will think I stole them. Oh, do have mercy upon me, and send them back! [3,168]"

Юқоридаги таҳлилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, Диккенснинг болалик, омон қолиш ва машаққатли меҳнат мавзуларига бўлган муносабати унинг энг катта ютуқларидан бўлиб ҳисобланади. Диккенс услугига хос яна бир муҳим хусусият уларнинг деярли барчасида яхшиликнинг ёмонлик устидан галаба қозониши мумкинлиги каби бир қатор сабоқлар мавжуд. Буни унинг "Оливер Твист", "Катта умидлар", "Девид Коперфилд" каби асарларида кузатиш мумкин. Диккенс ўз қайдларида "Мен кичкина Оливер образи орқали ҳар қандай вазиятда омон қолиш ва охир-оқибат галаба қозониши тамойилини кўрсатишни хоҳлардим", деб айтган [6,343]. Ёзувчи ўзгаришларни амалга оширишдан манфаатдор эди ва бунга эришиш учун Оливернинг хаётий кечинмаларидан фойдаланди. Бир сўз билан айтганда, Оливернинг тутилишидан то Лондондаги давригача Диккенс ўзининг моҳирона изохлари ва истеҳзоли сўzlари билан жамиятнинг етим болаларга шавқатсиз муносабатини фош кила олди. Мазкур асар кўплиб кишиларнинг етим ва ожиз болаларга бўлган муносабатлари ва қарашларида туб бурилиш ясади деб айтсан муболага бўлмайди.

Адабиётлар:

1. Ahrorqulov A, Rahmonqulov A. (2012) Jahon bolalar adabiyoti namoyondalari. Farg'ona, Б. 92
2. Hochman, Baruch and Ilja Watchs. (1999) Dickens: The Orphan Condition. Fairleigh Dickinson University Press, Р. 225
3. Charles Dickens. (1955) Oliver Twist. M.: Foreign Languages Publishing House, Р. 551
4. Чарльз Диккенс. Оливер Твистнинг бошидан кечиргандари. Русчадан Эркин Мирабидов таржимаси. (1984) Тошкент Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Б. 302
5. Murdoch, Lydia. (2006) Imagined Orphans: Poor Families, Child Welfare, and Contested Citizenship in London. Australasian Journal of Victorian Studies. New Brunswick, NJ: Rutgers University Press, ISBN-13:978-8135-3722-1. Р 56-57
6. Chlebek Diana. (2011). Dickens, Charles Oliver Twist (1837–1839). In: Jennifer McClinton-Temple (ed.), Encyclopedia of Themes in Literature. New York, NY: Fact On File. 341–344.



44	Муваффакиятларимиз дебочаси Маматов М. А	251
45	Оила инқирозининг асосий сабаблари ва кўринишлари: муаммо ва ёчимлар Рахимова Р.	256
46	Давлат хизматларининг институционал хусусиятлари: ижтимоий- фалсафий таҳлил Сауров Р. Р	260

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

10.00.00

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHILOLOGICAL SCIENCES

47	Чарльз диккенснинг “Оливер твист” романида етим болалар ҳаётининг реалистик бадиий тасвири Сафарова З.Т	265
48	У.спенсер соннетида шахс хусусиятининг гуллар билан ифодаланиши Жалилова З	270
49	О методических основах преподавания русского словообразования в классах с узбекским языком обучения Зинин Е.О	274
50	Nutqimizda aforizmdan foydalanishning ahamiyati nimada? Akramov I.I	281
51	Alpomish” достонида қўлланган баъзи топонимларининг лингвомаданий хусусиятлари Ашурев Д.А	287
52	Behbudiy publitsistikasining tili va uslubidagi o'ziga xoslik Masharipov M.M	291
53	Ўзбек тили ва рус тилларида “Яшил” концептининг чогиштирма тадқиқи Собирова Б.Б	296
54	Alpomish” dostoni leksikasidagi dialektal-etnografik xususiyatlar haqida Xaitov X, Xudoyberdiyeva H, Enazarov T.....	300
55	The problems of the medical terminology on english language. Shomurotova B.U	305
56	Жамол Камол достонларининг гоявий мазмуни ва бадиий қурилиши Назарова Д	308
57	Ingliz, o'zbek va rus tillarida ecoterminlarning chog'ishtirma tadqiqida tanlash mezonlari Nigmatullina A. Sh	317
58	Особенности юмора в узбекской детской поэзии Кобилова А.А	321
59	Til tejamkorligi masalasining tarixiy rivojlanishining tanqidiy tahlili Saidov X.Sh	327
60	Мультимедиа и академическое письмо Игамова Д.Н	332